

ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш жараёнлари ўзининг янги сифат босқичига қадам қўймоқда. А. Замоновнинг энг талабчан эҳтиёжларига ҳамда мезонларига тўлиқ жавоб бера олувчи, жамиятимизнинг барча соҳалари учун рақобатбардош, дунёда эътироф қилинган энг янги назарий ва амалий билимларни эгаллаш, ватанпарвар ёш кадрларни етиштиришнинг имконияти ва салоҳиятига эга бўлган, халқаро рақобатга бемалол кириша оладиган олий таълим тизимини вужудга келтириш ва унинг самаралардан жамиятимиз тараққиётининг энг етакчи манбаи сифатида фойдаланиши давлатимиз сиёсатининг устувор стратегик йўналиши сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришини мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларни тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам богчадан бошлаб олий ўқув юртгача таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик” [1].

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган олий таълим соҳасидаги ислохотлар XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларда жаҳоннинг энг нуфузли мамлакатларида эришилган таълим, илм-маърифат, юксак технологиялар юборисидаги тажрибаларни, аynи пайтида юртимизда яратилган илгор ва ижобий натижаларни кенг қамровли равишда эътиборга олиш асносида амалга оширилмоқда.

Бунда таълим соҳасини янада демократлаштириш, замонавий кадр бўлиб етиштиришга интилаётган талаба-ёшларнинг таълим тизимидаги мавқеини ошириш уларнинг энг дастлабки ўқув жараёнидан бошлаб мустақил фикрларига интилишларини рағбатлантириб бориш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.

Зеро, жаҳон тажрибаси ҳам намоён қилаётганидек, давр билан ҳамнафасликда фикр юрита оладиган, инновацион гояларни илгари сура оладиган, юрт манфаатларини устун қўя оладиган кадрларни ҳар томонлама юқори сифат даражасида тайёрлаш имконияти ва лаёқатига эга бўлган олий таълим муассасалари жамиятни тараққиётга элтувчи қудратли омил, манба вазифасини бажара олади.

Ушбу жиҳатлардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда Олий таълим тизимидаги барча ислохотлар жараёнларининг самарадорлиги аynи пайтда талаба-ёшларга билим бериш принципларини тубдан янгиланиши билан боғлиқ бўлмоқда. Бунда таълимнинг субъекта билан объекти ўртасидаги муносабатлар тайёрланаётган кадрнинг инновацион тафаккурини рўёбга чиқариш манфаатларга тўлалигича мослаштирилган бўлиши лозим. Ушбу жараёнда талаба шунчаки билим олиши эмас, балки олган билимлари асосида мустақил фийрлай оладиган ва унинг заминида инновацион гояларни ўз соҳаси бўйича илгари суриш лаёқатини ривожлантиришга тинимсиз ҳаракат қилувчи шахсга айланиши керак. Аynи пайтда дарё берувчи профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятида бундай самараларга эришишга қаратилган назарий, услубий ва амалий ишланмалар сифати ва даражаси юқори бўлиши билан бирга бундай асослар интенсив равишда янгиланиб бориш зарур бўлади. Ўз навбатида, профессор-ўқитувчилар фойдаланадиган ўқув-услубий хужжатлар, ўқув стандартлари, режалари, фан дастурларини талаб эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда зудлик билан бир ўқув йили, хаттоки, ўқув соатлари давомида қўшимчалар билан янгиллаш, янги мавзулар, долзарб илмий масалалар билан бойитилиш имкониятоари ниҳоятда содда ва осой тарздаги мезонлар, қоидалар билан таъминлаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу боне ҳам ҳозирги кунда мамлакатимиз Олий таълим тизимининг фаолият тартибини ҳамда унинг фаолият тартибини ҳамда унинг концептуал асосларини замонавийлаштириш, таълим бериш принципларини мана шу жиҳатдан келиб чиқиб такомиллаштириш, таълимнинг демократик асосларини мустаҳкамлаб жараёнларини янада кучайтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бунда олий таълим муассасаларининг академик фаолияти эркинлигини янада кенгайтириш, инновацион асосларга таянувчи фаолиятни рағбатлантиришнинг камровини янада кучлироқ даражада ошириш муҳимдир.

Бундай ташқари, олий таълим муассасасининг инновацион жараён остида янги гоёлар ва имкониятлар фан ва технологиянинг янги ютуқларини қўллаб-қувватлаш натижасида юзага келади. Фан ва технология

Олий таълим муассасасини инновацион деб аташ учун қуйидаги шартларни (ташкилий, услубий, манбавий) таъминлаш керак:

- гоёларни шакллантириш, функционал ва изланиш тадқиқотларни ўтказиш, патент олиш;
- Амалий тадқиқотларни ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги ускуналар ва технологияларнинг прототипларини яратиш;
- Инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш, маркетинг талқиқотини ўтказиш, тайёр маҳсулотни бозор муносабатларига олиб чиқиш, инновацияларни (новация) тарқалиши таъминлаш.

Шундай қилиб, замонавий олий таълим муассаси нафақат илмий-ўқув марказ бўлиши керак, балки у инновацион фаолияти ривожланиш кучида таълим, илмий ва инновацион сегментларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси билан яқин алоқалар ўрнатилиши туфайли у табиий равишда олий таълим муассаси комплексида -маҳсул ўқув, илмий ва инновацион комплексга айланади. Айнан шундай комплекснинг мавжудлиги олий таълим муассасани инновацион сифатида тавсифлашга имкон беради. Шунинг учун маҳсул ўқув-илмий ва инновацион комплексни ажратиш учун баъзи критерияларни санаб ўтаем:

- 1) Олий таълим муассасасининг янги билимларни шакллантириш қобилияти;
- 2) Янги билимлардан нафақат малакали мутахассисларни тайрлашда фойдаланиш, балки уларни тижорат маҳсулотига айлантириш;
- 3) Инсонлар, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳанинг инновацион маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондирадиган инновацияларни фаол ривожлантириш.

Инновацион технологиялар асосида мантиқий фикрлаш узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Улар таълим жараёнида маълум ўзгаришларга, таълим мазмуни, сифати бойишига ва самарали ташкил этилишига сабаб бўладиган турли ташаббус ва янгилекларнинг яхлит тизимида намоён бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, олий таълим сифатини оширишда, уни янги босқичга кўтаришда замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш борасида стратегик вазифалар белгилаб олиш муҳим устувор вазифадир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистан Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 25 январь 19(7521)
2. Shermuhamedova, N. A. "Stil nauchnogo myishleniya. Tashkent, Universitet." (2005).
3. Namazova, Yulduz Muzapparovna. "PROBLEMS OF EDUCATIONAL TRAINING AND GENDER IN THE" NEW METHODOLOGICAL SCHOOL" OF TURKISTAN." Scientific Bulletin of Namangan State University 1.12 (2019): 121-125.
4. Shermuhamedova, N. A. "Stil nauchnogo myishleniya. Tashkent, Universitet." (2005).
5. Нишанова, О. (2023). Роль этнической культуры в формировании идеологического иммунитета молодежи, in Library, 7(2), 27-30. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21844>